

Мағриб райҳони



08:00 / 22.05.2020 2384

«Ибн Муборакнинг вафоти яқинлашди. У озод қилган қули Насрга: «Бошимни тупроққа қўйинглар», деди. Наср йиғлаб юборди. Ибн Муборак унга: «Нега йиғлайсан?» деди. У: «Фаровон ҳаёт кечирган кунларингиз эсимга тушиб кетди. Энди эса фақир, ғариб ҳолатда вафот топяпсиз», деди. Ибн Муборак: «Жим бўл! Мен Аллоҳ таолодан ҳаётда саодатманд зотлардек яшашни, кетар чоғимда эса фақирлардек вафот топишни сўраганман», деди».

Муҳаммад ибн Убайд Танофасийдан ривоят қилинади: «Суфён Саврийнинг олдида эдим. Бир киши келиб, «Мағрибдан бир райҳон осмонга кўтарилганини туш кўрдим», деди. Саврий: «Агар ҳақиқатан ҳам шундай туш кўрган бўлсанг, Авзоъий вафот этибди», деди. Бу ҳақда хабар олиш учун Мағрибга хат юборишса, ҳақиқатан ҳам ўша куни Авзоъий вафот

этган экан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан